

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я**

**“ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ПСИХОЛОГИК
ТАЪМИНЛАШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР”**

*Республика илмий-амалий конференцияси материаллари
(2022 йил 30 сентябрь)*

Тошкент – 2022

Мирзахалилова М.Р. Курсантларда касбий компетентликни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик муаммолари.....	89
Шукурова Г.Н. Ички ишлар тизимида ходимларни касбий тайёргарлигида психологик хизматнинг ўрни.....	93
Джумабаева М.Р. “Хавфсиз шаҳар” концепциясида ички ишларнинг органларининг ўрни.....	97
Калонов И.Х. Ички ишлар органлари ходимлари касбий фаолиятида самарали мулоқотга эришишнинг психологик механизмлари.....	100
Рахимов У.А Ҳарбий психологиянинг долзарб муаммолари.....	104
Ўрмонов Д.А. Фавкулотда ва экстремал вазиятларда бўлажак офитцерларда профайлинг компетенциясини шакллантириш зарурати.....	109
Махаматжанова Н.М., Караханова С.А., Гафурова С.Ш., Юсупхаджаева С.Т. Ички ишлар органлари номзодларини танлашда психологик хизматнинг ўрни.....	111
Халматов У.М. Жамоат хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари ходимларининг стрессга идамлилигининг психологик хусусиятлари.....	112
Болтаев Ф.А. Тингловчи ва курсантларни ватанпарварлик руҳи билан тарбиялашда мутафаккирлар илмий меросининг ўрни (жомий асарлари асосида).....	114
Кодиркулов А.С. анализ теоретических подходов к понятию «ценностные ориентации» сотрудников оvd.....	118
Исакулов С.Қ. Курсантларда касбий мотивлари шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари: назарий-методологик жиҳат.....	121
Абдуганиев А.А. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий фаолиятида юзага келадиган стресс ҳолатлари.....	127
Холмуродов Ж. Экстремал вазиятларда аҳолига психологик хизмат кўрсатишнинг ижтимоий – психологик хусусиятлари.....	129
Самадов Б.Н. Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг психологик ва педагогик жиҳатлари.....	132
Рўзимуродов Н.С. Маҳаллаларда вояга етмаганлар тарбиясидаги нуқсонларни олдини олишнинг ижтимоий-рсихологик масалалари.....	136
Холмуродов Ж.С. экстремал вазиятларда шахсга психологик таъсир этишнинг ўзига хос томонлари.....	138
Бозоров Ш.И. Ички ишлар органлари тизимида кадрларни танлашнинг психологик жиҳатлари.....	141
Хасанова И.А Ҳуқуқбузарлик профилактикасини амалга оширишда психологик билимларнинг аҳамияти.....	144
Фаттоҳхонов Х.И. Руҳий тушкунлик ва руҳий муаммоларнинг психологик омиллари.....	147
Кўйчиев П.З. Ички ишлар органларида касбий мослашув психологик феномен сифатида.....	150
Хасанова М.И. Роль психологической службы в деятельности органов внутренних дел.....	153

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ НОМЗОДЛАРИНИ ТАНЛАШДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ЎРНИ.

*МАХАМАТЖАНОВА Н.М., КАРАХАНОВА С.А.,
ГАФУРОВА С.Ш., ЮСУПХАДЖАЭВА С.Т.*

*Тошкент тиббиёт академияси
Тиббий психология ва психотерапия курси*

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги тизимидаги ходимларнинг психологик саломатлигини кўллаб-қувватлашнинг асосий вазифаси ходимлар шахсиятининг психологик салоҳияти билан ишлаш, руҳий ҳолатни мувозанатда ушлаб туриш, тезкор фаолият самарадорлигини оширишдан иборатдир. Ички ишлар ходимлари ўз касбий маҳоратини юқори даражада намоён қилиши, турли ҳил мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилишлари учун нафақат жисмоний балки руҳий жиҳатдан соғлом бўлишлари талаб этилади.

Фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида бўлгани каби, асосий иш, биринчи навбатда, одамлар билан муомала қилиш, ички ишлар органларида ишлаш, психологик тайёргарликни талаб қилади. Ички ишлар вазирлигига кирувчи шахслар ўз фаолиятининг вазифаларини ва фавқулодда вазиятларда юзага келиши мумкин бўлган таҳдиднинг бутун манзарасини онгли равишда тушунишлари керак. Шунинг учун барча номзодлар ишга қабул қилинишларидан аввал тўлиқ тиббий психологик текширувдан ўтишлари мақсадга мувофиқдир. Аввало, бу номзодлар билан суҳбат ва сўров ўтказиш орқали, шахснинг бошқа шахслар билан ўзаро муносабатларининг табиатини аниқлашимиз мумкин. Бунда шахс психодиагностикасига кўпроқ эътибор қаратилади ва асосий усуллар ёрдамида шахс типи, темперамент, характернинг хусусиятлари билан биргаликда психоэмоционал сферасига баҳо берилади. Ички ишлар бошқармасидаги ишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, жамоа аъзолари стрессга чидамлилиқ бўйича турли тестлардан ҳам ўтишлари мумкин, чунки бу омил Ички ишлар вазирлиги фаолиятида энг муҳими ҳисобланади.

Одатда, ички ишлар тизимида когнитив, мотивацион, ахлоқий, ҳиссий ва иродавий компонентларни ўз ичига олган яхлит шахс сифатида шаклланган ёшлар қабул қилинади. Шахсий суҳбатдан маълум бўлишича, бўлажак ходимнинг мотивлари терговчи, адвокат, прокурор бўлиш истаги ва ўз хизмат вазифаларини бажариш заруриятини акс эттиради. Шунингдек, ёш мутахассиснинг жинойтчилик билан ишлашдаги ҳиссий барқарорлиги, ўзига бўлган ишончи ва касбий маҳорати, турли тўсиқларни енгиб ўтиши ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Иродавий фазилатлар асосий ёъналишлардан

бири сифатида ёш мутахассис томонидан касбий вазифани бажаришда диққатни жамлаш, меҳнатсеварликни акс эттиради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ички ишлар органлари ходимларига номзодларни танлашда замонавий психодиагностикадан фойдаланиш, руҳий ҳолатидаги салбий ўзгаришлар психопрофилактикаси ва психокоррекцияси устида ишлаш катта аҳамиятга моликдир.

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ СТРЕССГА ИДАМЛИЛИГИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

ХАЛМАТОВ У.М.

*Жамоат хавфсизлигини
таъминлаш университети магистри*

ИИО ходимларининг стрессга чидамлилиги ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, стрессни олиш жараёни ва унга қарши курашиш усулларини ёдда тутиш керак бўлади.

Демак, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходими учун ахборот узатиш, алмашиш ёки қабул қилиш усули сифатида мулоқот жуда муҳим масала бўлиб, у фаолиятнинг 80% ни ташкил қилади ва айнан мулоқот жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари нафакат ўргандилар балки турли даражадаги қонунбузарликлар, шунингдек, гумон қилинувчи шахслар ва гувоҳлар билан мулоқот жараёнида ҳам психологик босимга дучор бўладилар.

Бундан ташқари, ўз хизмат вазифаларини бажаришда ИИО ходимлари турли тоифадаги фуқароларга дуч келишади (бу мақомга ҳам тегишли: жабрланувчи, гувоҳ ва бошқалар, шунингдек ижтимоий мақомга: маҳалладаги фуқаролар, уйсиз кишилар, ўқувчи ва талабалар, тадбиркор ва бошқалар) ва ушбу одамлар билан мулоқотда ёки мулоқотда бўлган ходим расмий одоб-ахлоқ қоидаларига, ўз руҳий ҳолатини бошқариши - одамларга бўлган муносабатнинг ташқи кўринишини белгилайдиган хулқ-атвор қоидаларига риоя қилиши шарт.

Бироқ руҳий зўриқиш оқибатида, ўзаро таъсир қилиш жараёни кўпинча тўқнашувларга айланади. Бу эса ўз навбатида, ходимнинг кўполлиги ўз касбига садоқатсизлиги, фидойисизлиги ёки билимсизлиги натижасида фуқароларда ИИО ходимларига нисбатан ишончсизликни ва салбий муносабатни уйғотади.

Дарҳақиқат Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ИИО нинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар” тўғрисидаги 2021 йил 02 апрелда имзоланган №5050 сонли қарорининг 3-иловаси ИИО да маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш тўғрисидаги концепциясининг 1-боб 4-бандига асосан ИИОда маънавий-маърифий ишлар “Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш-олий бурчимиз!” концептуал ғояси асосида ташкил этилиб, унда давлат мустақиллигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ тартиботни